

## АРАБ АДАБИЁТИДА ИДЕНТИКЛИК ҒОЯЛАРИ: АНЪАНА ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ

Хилола Абдулхаевна Юлдашева

фил.ф.н. в.б. доцент. ТДШУ

**Аннотация:** Араб адабиётида идентиклик ғоялари анъана ва трансформация жараёнлари орқали ўзгариб боради. Мазкур мақола ушбу мавзуга бағишланиб, адабий асарларда идентиклик тушунчасининг турли шаклларда намоён бўлишини тадқиқ этади. Анъанавий араб адабиётида кўпинча диний ва этник элементларга асосланган идентиклик, замонавий асарларда янги ижтимоий ва маданий контекстларда кўриб чиқилди. Мақолада араб адабиётининг тарихий ривожланишида идентиклик ғояларининг қандай трансформацияга учрагани таҳлил қилинади. Унда, алоҳида, миллий, минтақавий ва диний идентикликларнинг турли даврларда қандай тасвирланганига эътибор қаратилади. Шунингдек, глобализация ва замонавий технологияларнинг таъсири билан идентиклик тушунчасининг янги чегаралари қандай шаклланаётгани кўрсатилади.

**Аннотация:** Идеи идентичности в арабской литературе претерпевают изменения через процессы традиции и трансформации. Данная статья посвящена этой теме и исследует, как понятие идентичности проявляется в литературных произведениях в различных формах. В традиционной арабской литературе идентичность часто основывается на религиозных и этнических элементах, в то время как в современных произведениях она переосмысливается в новых социальных и культурных контекстах. В статье анализируется, как идеи идентичности трансформировались на протяжении исторического развития арабской литературы. Особое внимание уделяется тому, как национальная, региональная и религиозная идентичность изображалась в разные эпохи. Также рассматривается, как глобализация и современные технологии влияют на формирование новых границ понятия идентичности.

**Annotation:** The concepts of identity in Arabic literature undergo changes through processes of tradition and transformation. This article is dedicated to this topic and explores how the notion of identity manifests in literary works in various forms. In traditional Arabic literature, identity often relies on religious and ethnic elements, whereas in contemporary

*works, it is reinterpreted in new social and cultural contexts. The article analyzes how ideas of identity have transformed throughout the historical development of Arabic literature. Special attention is given to how national, regional, and religious identities have been depicted in different eras. Additionally, the impact of globalization and modern technologies on the formation of new boundaries of identity is examined.*

Араб адабиёти неча минг йиллик бой тарихга эга. Бу давр ичида у тарихий воқеалар ва ижтимоий ўзгаришлар таъсирида араб дунёсининг маданий ўзига хослигидаги ўзгаришларни акс эттирувчи муҳим эволюцияни бошдан кечирди.

Исломгача бўлган V-VI жоҳилият асрида арабларда уруғчилик, қабилачилик идентиклигини устун эди. Араблар ўзларини қабиласидан ажратмаган ҳолда идентификация қилар эдилар. Жоҳилият давр адабиёти учун асосий нарса инсонларни тасвирлаш эмас, балки воқеалар: қабилалар учун муҳим бўлган можаролар, тўқнашувлар, урушлар бўлиб, эпик ижодга хос тарзда инсон бу ерда худди ташқи томондан, фақат маълум фазилатларнинг тимсоли сифатида тасвирланган.<sup>1</sup> Мазкур адабиётнинг намуналари, одатда, шеърят, нотиклик санъати намуналари ва эртақлардан иборат эди. Унинг илдизлари қабила маданиятига бориб тақалар ва муайян мавзулар билан чегараланган эди. Бу мавзуларнинг деярли барчасида умумий ғоя бўлган: бошқа бировни, душман қабиласини, аёлни ёки ҳар учаласини забт этишда муваффақият қозонган ғайриоддий эркакнинг қахрамонликлари ва қасос. Қадимги арабларнинг тарихий анъаналари узоқ вақт оғзаки ижодда сақланиб қолган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган. Фақат VIII-IX аср бошларига келиб, араб филологлари уларни махсус тўпламларда тўплашни бошладилар, шундай тўпламлардан бири "айём Ал-Араб фи-л-жаҳилия" ("Жоҳилиядаги араблар кунлари") деб номланган... "Кунлар" Жоҳилия жамиятининг ахлоқий ва кундалик хулқ-атвор нормалари, психологияси ҳақидаги кундалик материалларни бизгача олиб келди"<sup>2</sup>. Ўша давр арабларининг идентиклиги индивидуал шахсда намаён бўлмайди. Уларнинг идентификацияси инсоннинг қабиласидан, жамоасидан ажралмаган ҳолда ўз қабиласининг шаъни ва

<sup>1</sup> Муталова Г. Герои арабских племенных сказаний «Айям ал-араб» // Шарқ машъали // ТДШУ илмий-услубий журнали.2020 № 1- С.30

<sup>2</sup> Ўша манба- С. 29

кадр-қиммати учун қайғуришдан иборат эди. Улар ўзларига бошқаларнинг кўзи билан қараб, уларнинг розилигига ва ҳурматига муҳтож эдилар.

Масалан; "Ал–Шибак куни " ривоятида қуйидаги иборани ҳам топиш мумкин: “улар бизнинг шеригимизни ўлдиришди ва агар улар ҳозир биздан қочиб кетишса, араблар бунинг учун бизни абадий ҳақорат қилишади”<sup>3</sup>.

Кўриб турганимиздек, қабила шаънини ҳимоя қилиш, ўзгалар фикри билан яшаш ўша давр бадавий арабларининг ва у яшайдиган қабиланинг идентиклигидир.

Араб маданияти тарихида VIII-XII асрлар энг самарали давр бўлди. Қадимги арабларга хос оғзак ижод бир авлоддан иккинчи авлодга ровийлар орқали ўтиб борар эди. Бу ижоднинг дастлабки ёзма нусхалари VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлди.<sup>4</sup> Шеър қадимги араблар идентиклигида муҳим ўрин эгаллайди. Бу даврда ҳам арабларда қабилачилик идентиклиги устун туради. Шоир қабила “виждони” бўлиб, унинг манфаатини, шарафини ҳимоя қилар эди. Қабиладошларининг кароматлари ва фазилатларини мақтаб, уларни кўкларга кўтаришдан, душманларни эса қоралаб, уларни ер билан яксон қилишдан сира чарчамас эди<sup>5</sup>. Шарқшунос олим В.Я.Шидфар бу давр араб адбиётининг идентиклигини "инсоннинг табиат билан яқин алоқаси, унинг спонтан материализми намоиши, эпик қаҳрамонларнинг индивидуаллиги йўқлиги” деб таърифлайди<sup>6</sup>. Мисол сифатида Имрул Қайсининг машҳур муаллақини эсласак:

*Тўхтанглар, ёрим манзилин эслаб, бироз йиглайлик.*

*Духул ва Ховмала водийси аро.*

*Ёрим изларин олиб кетмабди,*

*Жанубу шимолдан эсан ул сабо<sup>7</sup>.*

Кўриб турганимиздек, қадимги бадавийларнинг дунёқараш доираси чегараланган бўлиб, табиат ва ҳайвонлар билан боғлиқ бўлган. Буларнинг бари уруғчилик жамиятидан чиққан инсоннинг идентиклигига хос хусусиятлардир. Кўчманчи араблар яшаган муҳит анча оғир шарт-шароитларга эга бўлиб, унда табиат инсонга нисбатан кўпроқ

<sup>3</sup> Ўша манба- С. 34

<sup>4</sup> Ўрта аср араб адабиёти. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (араб адабиёти) фанидан дарслик. Т.:2019. С.6

<sup>5</sup> Ўша манба- С.6

<sup>6</sup> Шидфар В.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). М.: Марджани, 2016. 58 С.

<sup>7</sup> Ўрта аср араб адабиёти. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (араб адабиёти) фанидан дарслик. Т.:2019.14 С.

муруватини эмас, балки шафқатсиз оламни кўрсатади. Қадимгиларнинг тасавурида инсон ҳаёти устидан тақдир ҳукм суриб, у ёки баракали ёмғир, ёки ҳалокатли қурғоқчилик олиб келади. Инсон бу оламда ўзини шахс сифатида кўрмайди, у олам билан ўз уруғи, қабиласи орқали боғланган. Унинг нигоҳи ўз руҳий дунёсига эмас, балки кўпроқ ташқи оламга, табиат дунёсига қаратилган. Уруғчиликқабилавий муносабатлари ривожланган жамиятда инсон бутун борлиқни яхлит бир шаклда тасаввур қилади, у оламни фалсафий англамаса-да, унинг бадиий тафаккури ўзига хос, ёрқин, жозибали ва образлидир. Унинг учун барча табиий нарсалар гўзаллик тимсолидир. Бадавий араб ўзини ўраб турувчи муҳитни васф этганда, бу оламга абстракт фалсафий категориялар орқали ёндашмасдан, уни гўзал бадиий образлар орқали шарҳлайди.<sup>8</sup> Ўрта аср араб адабиёти кўчманчи қабилалар (бадавийлар)нинг араб чўл маданияти қадриятлари таъсирида шаклланган. Ўрта аср шоирлари қадимги ўтмишдошларининг намуналарига эргашиб, улардан кўчманчи бадавий идентикликнинг асосий жанр ва композицион хусусиятлари, образ ва реалликларини ўзлаштирганлар. Айнан шу даврда «араблар» тушунчасининг мазмуни аста-секин ўзгарди.

Тарқоқ араб қабилалари учун Исломнинг пайдо бўлиши оламшумул воқеага айланди ва тарихда биринчи араб давлати – Араб халифалиги вужудга келди. Ислом дини, Қуръони Каримнинг нозил бўлиши, арабларнинг фатҳ қилган ерларида Ислом динининг тарқалиши ҳамда VII аср ўрталарида рўй берган араблар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган бошқа воқеа-ҳодисалар араб идентиклигига катта таъсир қилди. Жумладан, араб қасидаси ўзининг анъанавий қисмий бириктирилганлиги ва жанрлар моҳиятини сақлаб қолиши билан бирга, унга дин билан боғлиқ янги мазмундаги мавзулар кириб келди. Бутпарастлик идентиклигидан мусулмон идентиклигига ўтган шоирлар энди исломни ва Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)ни тараннум этдилар. Қуръонни англаш илоҳий наср ва диний фалсафани дунёга келтирди. Араб тили маҳаллий алоқа воситасидан янги дин ҳамда юзага келаётган империя тилига айланди. Адабиёт ёрқин ифодаланган исломий идентикликка эга бўлди, бу эса охир-оқибат унинг белгиловчи хусусиятига айланди.

XX асрда келиб араб адабиётида қадимий анъанани давом эттирган ҳолда ишқий асарлари билан шуҳрат қозонган араб ёзувчилари пайдо бўлди, аммо улар бу мавзунини араб-мусулмон идентиклигига зид равишда очикроқ тарзда ифода қиладилар.

---

<sup>8</sup>Ўша манба 32 С.

Улардан адабиёт бўйича 1988 йилги Нобель мукофоти совриндори мисрлик Нажиб Махфуз (1911-2006) ва унинг “Ёмғирдаги муҳаббат”<sup>9</sup> тўпламини, шунингдек, унинг ватандоши, кўплаб машхур мелодрамалар сценарийларининг муаллифи Эҳсон Абд ул-Қуддусни (1919-1990) келтиришимиз мумкин<sup>10</sup>.

“Ғазаб уни қамраб олди, кейин умидсизлик уни ўрнини эгаллади. Бу орада Рашван “мева пишган” ва уни йиғиш вақти келган деб қарор қилди ва таклиф қилди:

- Офис муҳити самимий суҳбат учун унчалик қулай эмас. Кечки овқатга чиқмаймизми?

Монанинг томоғига бир нарса тикилди. Аммо Рашван қизнинг хаяжонини сезмади ва беихтиёр кўшиб қўйди:

-Кино актрисаси учун “Ал-Амария” ресторанида қандай овқатланишлари билан танишиш фойдалидир. Мона унинг тез нафас олишини эшитди ва ғазаб билан унинг юзига қаттиқ тарсаки туширди. Рашван гандираклаб кетди, лекин оёқларида қолди ва ғазаб билан қизни урди. Мона йиқилди ва у бақириб, унинг Монанинг устида турарди:

- Ярамас қиз! Сен ўзингни деб ўйлайсан! Бизнинг асримизда ўзингдан ҳаёли қизни яшашга қарор қилдингими?!”<sup>11</sup>

Араб адабиёти ХХI асрда глобаллашув ва рақамли технологиялар даврига жавобан ривожланиш ва ўзгаришда давом этмоқда. Араб ёзувчилари бутун дунё бўйлаб китобхонлар билан мулоқот қилишади, маданий ўзига хослик мавзулари эса ўзаро алоқалар ва маданиятлараро мулоқот контекстида ўрганилади. Бу Алаа ал-Асваний каби замонавий араб ёзувчиларининг ижодида акс этмоқда. Алаа ал-Асванийнинг “Чикаго” романида араб ва ғарб маданиятларининг ўзаро муносабати мавзуси ёритилган. “Америкада яшаш орзуси” узоқ йиллар давомида нафақат ғарб, балки бутун дунё ёзувчиларининг, жумладан, орзу ҳақидаги глобал концепцияни ўзида мужассам этган асарлар яратилишига ҳисса қўшган араб муаллифларининг ҳам онгига таъсир этган.

<sup>9</sup> Махфуз Н. Любовь под дождем. – М.: Прогресс, 1976. – 272 с.

<sup>10</sup> إحسان عبد القدوس. دمي ودموعي وابتنامتي. مكتبة مصر 1972م ص279.

<sup>11</sup> <https://libking.ru/books/prose-/prose-contemporary/323542-14-nagib-mahfuz-lyubov-pod-dozhdem.html#book>

Алаа Ал-Асваний ўзининг “Чикаго” романида арабча вариантдаги “Америка орзуси”нинг ғайритабиий концепциясини тақдим этган. Ёзувчи арабларнинг Ғарб жамиятига қўшилишини ҳар хил ҳолатларда – орзулар юртида, турли ирқ вакиллари гавжум жойда, сиёсий-ижтимоий воқеаларга бой дунёда – тасвирлайди. Романда қаҳрамонларнинг орзу билан нафс, паришонлик билан бегоналашув, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ички кураш кўрсатилади. Бундай кураш эса пировардида Шарқдан воз кеча олмаслик ва Ғарбга қўшила олмаслик, Ғарб қадриятлари, маданияти ва ўзига хослигини қабул қила олмаслик кабиларга олиб келади.

“Америка орзуси”га эришиш учун араб муҳожирлари ўз урф-одатларидан, ўзлигидан воз кечиб, Америка жамиятида орзуни тушуниш концепциясини қабул қилишлари керак. Шу боис ўз маданияти ва урф-одатларига қаттиқ боғланиб қолган араб муҳожирлари ўз орзуларини тўлиқ амалга ошира олмайдилар. Муаллифнинг ўзи стоматологликка ўқиган, аммо у Рейчел Кукка тушунтирганидек, шаҳар ва мамлакатга мафтунлик узокқа чўзилмади, охир-оқибат у Мисрга қайтди...”<sup>12</sup>.

Асарнинг кўпгина қаҳрамонлари ғарб жамиятларида табиий ва мақбул, бироқ айни пайтда араб жамиятида фожиали ва хато ҳисобланадиган хатти-ҳаракатларни содир этадилар. А. Ал-Асванийнинг “Америка орзуси” мисрлик араблар нуктаи назаридан тақдим этилган “Чикаго” романида араб муҳожирлари “номус”, “шаън” каби тушунчаларга бўйсунадиган ижтимоий омиллар ва қадимий анъаналар туфайли “Америка орзуси”га эришишлари қийин.

Романнинг ўз анъана ва тасаввурларидан чекинган барча қаҳрамонлари охир-оқибат тушкунлик ва маҳрумликлар туфайли дунё лазатлари ботқоғига ботмасликнинг иложини топа олмадилар. Романда мисрлик муҳожирлар ҳаётдан қўзланадиган маънавий мақсаддан воз кечиб, моддият учун яшашга ўтадилар. Зино араб маданиятида энг катта гуноҳлардан бири ҳисобланади. Аммо роман қаҳрамонлари Америка Қўшма Штатларига келгач, бунга Ғарб маданиятига қўшилиш йўли сифатида қарашади ва шу тариқа АҚШ жамияти тасаввуридаги “Америка орзуси”ни қабул қилишади. Консерватив шарқона тарбия кўрган шахс учун муваффақият ҳисобланган нарса ғарб анъаналари таъсирида йўқ бўлиб кетади.

Юқоридагилардан хулоса қилсак, араб адабиёти ўз тарихи давомида камида икки марта бошқа маданий анъаналарнинг (ўрта асрларда – форс, Янги даврда – Европа

<sup>12</sup> Varvogli A. Travel and Dislocation in Contemporary American Fiction. – Abingdon: Taylor & Francis, 2012. – С. 129

классик маданиятининг) улкан таъсирига учраган. Айнан мана шу учта адабиёт – ҳар бири ўз даврида ҳамда ҳар бири ўша даврга хос бўлган шакл ва услуб намуналарини кўрсатган ҳолда – маҳаллий материаллар асосида миллий маданиятга сингиб, араб адабиётининг ривожига туртки бўлган. Араб адабиётининг ривожланиш траекторияси, шубҳасиз, бир томондан, араб дунёсининг мураккаб тарихи билан, бошқа томондан эса, глобаллашув тенденциялари ҳамда европача эстетик намуналарининг устунлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунга қарамай, араб муаллифларининг асарлари ҳеч бир хорижий маданият ичида йўқолиб кетмаган. Қолаверса, улар реалистик роман жанрида Европа адабиётини “қувлаб” ва постмодернизм услубидаги асарлар яратиб, янги адабий шакллар излашда айнан миллий сўз санъатидан илҳом олдилар. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида араб адабиёти “араблашгани” ҳақида гапиришга айнан мана шу сабаб бўлди. Бугун этноадабиёт туркумига киритиш мумкин бўлган асарлар сони кўпайган бир шароитда ушбу тенденция тобора кучайиб бораётганини кўриш мумкин.

Ушбу ўзгаришлар давомида араб адабиёти араб дунёсида маданий ўзига хосликни ифодалаш ва шакллантиришнинг кучли воситаси бўлиб қолаверди. Ёзувчилар араб жамиятларининг нозик ва мураккаб жиҳатларини ўрганишда давом этмоқдалар, уларнинг адабий асарлари эса минтақадаги маданий ўзига хосликнинг давом этаётган эволюциясини акс эттирмоқда. Шундай қилиб, араб маданий идентиклиги ҳаётийлигини сақлаб қолиб, ривожланишда давом этмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Муталова Г. Герои арабских племенных сказаний «Айям ал-араб» // Шарқ машъали // ТДШУ илмий-услубий журнали.2020 № 1- С.30
2. Махфуз Н. Любовь под дождем. – М.: Прогресс, 1976. – 272 с
3. Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). М.: Марджани, 2016. 58 С.
4. Ўрта аср араб адабиёти. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (араб адабиёти) фанидан дарслик. Т.:2019. С.6
5. دمي ودموعي وابتسامتي. مكتبة مصر 1972م 279 ص..إحسان عبد القدوس
6. Varvogli A. Travel and Dislocation in Contemporary American Fiction. – Abingdon: Taylor & Francis, 2012. – С. 129
7. <https://libking.ru/books/prose-/prose-contemporary/323542-14-nagib-mahfuz-lyubov-pod-dozhdem.html#book>